



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2019 йил 8 январь, № 3 (7233)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIDA ТУРИЗМНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда туризмни миллий иқтисодийётни диверсификация қилиш, ҳудудларни жадал ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, аҳолининг даромадлари ва турмуш даражасини ошириш, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини оширишни таъминловчи стратегик тармоқлардан бири сифатида ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Виза режимининг либераллаштирилиши, чет эл фуқароларини рўйхатга олиш тартибининг соддалаштирилиши, туризм тармоғини ривожлантириш учун имтиёз ва преференциялар берилиши миллий туризм салоҳиятини ички ва ташқи бозорларда самарали тарғиб қилиш имконини берди.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлиллар туризм тармоғини тартибга солуви норматив-ҳуқуқий асоснинг номукамаллиги, алоҳида туризм хизматларини кўрсатиш қоидаларининг, шунингдек, чет эл фуқароларининг тоифалари, бўлиш мuddатлари ва мақсадлари бўйича дунё амалиётида кенг қўлланиладиган алоҳида виза режимларининг мавжуд эмаслигини кўрсатмоқда.

Шунингдек, жойлаштириш воситалари ва инфраструктура объектларининг, айниқса, туризм мавсумида етишмаслиги, турли транспортларда йўловчиларни ташиш тизимининг етарли даражада мувофиқлаштирилмаганлиги, шунингдек, туристларни мавжуд туризм салоҳияти тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлашни ташкиллаштириш даражасининг пастлиги, ички туризмни, мамлакат ҳудудларидаги маданий мерос объектларининг ва зиёратнинг ўзига ҳосликларини тарғиб қилиш бўйича маркетинг кампанияларининг самарасизлиги туризмни жадал ривожлантиришга салбий таъсир қилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА ДЕПУТАТЛАР ҚАНДАЙ ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚДИ?

2019 йил 7 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги ялпи мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Ҳукумат аъзолари, қатор вазирлик, идоралар, давлат ташкилотлари ва жамоат бирлашмалари вакиллари билан бир қаторда, халқ депутатлари Тошкент шаҳри ва пойтахт туманлари Кенгашлари депутатлари ҳам қатнашди.

Мажлисида депутатлар мамлакатда турли соҳаларда амалга оширилётган ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар.

Қизгин муҳокама этилган масалалардан бири “Жазо-

ни ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида”ги қонун лойиҳаси бўлди.

Қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикасининг жиноят қонунчилиги ҳужжатларига мувофиқ, амалиётда айрим тоифадаги шахслар, хусусан, хорижий мамлакатларда бўлган давр мобайнида оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этган шахслар устидан маъмурий назорат ўрнатилди.

➡ 5

## the guardian

Буюк Британиянинг “The Guardian” газетаси Ўзбекистонни 2019 йилда саёҳатчилар учун тавсия қилинадиган 40 та йўналишдан иборат рўйхатга киритди.

Нашрда қайд этилишича, 2016 йилда Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари бўлганидан сўнг Ўзбекистонда улкан ўзгаришлар рўй бермоқда.

“Ажойиб мейморчилиги ва Буюк Ипак йўли мероси билан кишини ҳайратга соладиган ушбу диёрнинг машҳур меҳмондўстлигини ҳис этишга интилаётган туристлар учун шартитлар тобора яхшиланяпти”, дейилади унда.

Бундан ташқари, Истанбулдан Самарқандга рейслар очилиши билан Лондондан ушбу кўна шаҳарга ташриф буюриш янада осонлашгани, асосий қади-мий шаҳарларимизга тез-

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ТУРИЗМ ТАРМОҒИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Туризм тармоғини ривожлантириш, шу жумладан, бугунги кун стандартлари ва талабларига жавоб берадиган замонавий меҳмонхоналар ва шу каби жойлаштириш воситаларини (кейинги ўринларда — меҳмонхоналар) қуриш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш, республикада меҳмонхона ҳўжалигини ривожлантиришга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сонли Фармонига мувофиқ:

1. Куйидагилар:  
2019 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида меҳмонхоналар қуришнинг мақсадли параметрлари 1-иловага мувофиқ;

меҳмонхоналар ташкил этиш бўйича истиқболли инвестиция лойиҳалари рўйхати 2-иловага мувофиқ;  
замонавий ахборот технологиялари татбиқ этиладиган маданий объектлари ва муассасалари рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Маданий объектлари ва муассасаларида замонавий ахборот технологияларини татбиқ этиш бўйича ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда — Ишчи гуруҳ) 4-иловага мувофиқ таркибда ташкил этилинсин ва унга қуйидаги вазифалар юксансин: маданий объектлари ва муассасаларида замонавий ахборот технологияларини татбиқ этиш бўйича минимал талабларни белгилаш; икки ой мuddатда тадбиркорлик субъектларининг давлат-хусусий шериклик шарт-

лари асосида маданий объектлари ва муассасаларида замонавий ахборот технологияларини татбиқ этиш бўйича энг яхши тақлифларни танлаб олиш ва улар билан шартномалар тузилишини таъминлаш;

2019 йил 1 июлга қадар 3-иловада кўрсатилган маданият объектлари ва муассасаларида замонавий ахборот технологияларини ўрнатилиши таъминлаш.

3. Шундай механизмлар жорий этилсинки, уларга мувофиқ:

а) меҳмонхона қуриш учун ажратилган ер участкаси қурилиш тугаллангандан сўнг инвесторга мулк ҳуқуқи асосида сотилиши мумкин, моддий маданий мерос объектларининг худуди ва муҳофаза зонаси ҳамда кишлоқ ҳўжалиги учун мўлжалланган ер участкалари бундан мустасно;

б) 3 юлдузли тоифа учун 50 та хонадан кам бўлмаган ва 4 юлдузли тоифа учун 100 та хонадан кам бўлмаган хоналар фондига эга меҳмонхона 2022 йил 1 январгача фойдаланишга топширилган тақдирда, меҳмонхона тоифаси тасдиқлангач, янги меҳмонхонани қуриш ва жиҳозлаш учун инвесторлар харажатларининг бир қисми Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини (кейинги ўринларда — Давлат бюджетини) маблағлари ҳисобидан қопланади. Бунда, инвесторлар харажатларининг бир қисмини Давлат бюджетидан молиялаштириш миқдори қўшимча равишда ташкил этилаётган хоналар сони 50 мингтага етунига қадар келгуси йил учун Давлат бюджетини параметрларини тасдиқлаш жараёнида ушбу миқдорни ҳар йили индексация қилган ҳолда;

3 юлдузли тоифага эга меҳмонхоналардаги ҳар бир хона учун 40 миллион сўм;

(Давоми 2-бетда).

## «МАЪРИФАТ ВА ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК РЕЗОЛЮЦИЯСИ — ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСИНING ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФИ»



Туркиянинг нуфузли Стратегик фикр институтини (Institute of Strategic Thinking) сайтида шу сарлавҳа остида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг халқаро аҳамиятга эга ташаббусига бағишланган мақола эълон қилинди.

Унда Ўзбекистон халқаро майдонда ўз ўрни ва мавқеини тобора мустақамлаш борарётгани, давлатимиз раҳбарининг Бирлашган Миллатлар Ташкилати Бош Ассамблеяси 72-сессиясидаги “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюциясини қабул қилиш тақлифи бугунги нотинч ва таҳликали давр учун гоат муҳим аҳамиятга эга экани ҳақида сўз юритилган.

Мақолада Президентимизнинг БМТ минбаридан туриб: “Биз муқаддас динимизни зўравонлик ва қон тўкиши-

билан бир қаторга қўядиганларни қатий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон муроса қила олмаймиз. Ислом дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади”, деб таъкидлагани тарихий аҳамиятга эга ҳодиса сифатида баҳоланган.

Шунингдек, ушбу халқаро ҳуқуқий ҳужжатда маърифат инсониятни ташвишга солаётган терроризм, экстремизм каби глобал муаммоларнинг самарали ечимини сифатида қўрилади. Ўзбекистоннинг жафоқаш афғон халқи муаммосини тинч йул билан ҳал этиш борасидаги ташаббусларини ҳақида сўз юритилади.

Резолюцияда турли динларга мансуб кишилар ўртасида бағрикенгликни таъминлаш, уларнинг виждон ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқини кафолатлаш инсоният ўртасида узаро аҳил ва дўстона муносабатлар қарор топиши-

нинг муҳим омили сифатида таъкидланган.

“Маърифат ва диний бағрикенглик резолюцияси Ўзбекистоннинг дунёда тинчлик ўрнатиш, низо ва зиддиятларнинг олдини олиш, муросасизликнинг ҳар қандай кўринишига чек қўйиш борасидаги долзарб ташаббуслари халқаро майдонда муносиб эътироф этилаётганидан дарак беради”, дея ҳулоса қилинади мақолада.

Таъкидлаш жоизки, Туркиянинг Стратегик фикр институтини халқаро майдонда содир бўлаётган муҳим воқеа ва ҳодисалар ҳақида илмий-таҳлилий ахборотлар эълон қилувчи тузилма ҳисобланади. Унинг мутахассислари дунёнинг геосийсий манзарасига таъсир кўрсатувчи жараёнларни мунтазам кузатиб, ўз ҳулосаларини эълон қилиб боради.

О. ЛУТФУЛЛАЕВ  
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

## Ислохот ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ — АДОЛАТ МЕЗОНИ

Жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустақамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш бугун ҳар қачонгидан долзарб аҳамиятга эга. Бу борада амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, рўйбга чиқарилаётган аниқ чора-тадбирлар халқимиз манфаатларини кафолатлашга хизмат қилмоқда. Буни одамлар турмуш даражаси юксалиб бораётгани мисолида ҳам яққол кўриб туришимиз.

Бинобарин, давлатимиз раҳбари, аввало, халқни рози қилиш учун бор имкониятни ишга солиш кераклиги, “кабинетда ўтириб буйруқ бериш” амалиётига чек қўйиб, оддий одамлар орасига кириб бориш, уларнинг дарди ва муаммоларини эшитиб, уларни ҳал этиш чораларини кўришга жиддий эътибор қаратган эди. Натихида бугунги ислохотларга нисбатан одамларнинг ўй-қарашлари, фикрлари ўзгарди, эртанги кунга ишончи ортди. Турли соҳа вакилларининг ўз ишига, вазифасига бўлган муносабати ўзгарди.

## «МЎЙНОҚ — 2019» ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Хабар қилганимиздек, Халқаро пресс-клубнинг “Орол ва Мўйноқ тақдирини денгиз чекинапти, лекин инсон чекинмайди” мавзусидаги янги форматдаги сайёр мажлисида Орол фожиаси, денгиз қуриши оқибатида юзага келган экологик муаммоларни юмшатиш, унинг салбий таъсирларини камайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Тадбирда “Мўйноқ — 2019” хайрия жамғармаси ташкил этилгани айтилди. Ушбу хабарни нафақат тадбир иштирокчилари, балки дастурни телевидение орқали тўғридан-тўғри кузатиб турган миллионлаб юртдошларимиз зўр мамнуният билан қарши олишди. Жамғарма ҳисоб рақами мамлакатимиз аҳолиси томонидан 6,3 миллиард сўм ўтказилгани бунинг яққол тасдиғидир.

Ушбу эзгу лойиҳага ўз ҳиссасини қўшмоқчи бўлганлар қуйида келтирилган ҳисоб рақам орқали маблағ ўтказишлари мумкин.

«Мўйноқ — 2019» хайрия жамғармаси реквизитлари:  
«Мўйноқ — 2019» хайрия жамғармаси  
«Агробанк»нинг Мўйноқ филиали  
Х'р: 2021 2000 2039 5851 9004  
СТИР: 202669236 МФО: 00594

## МАМЛАКАТИМИЗНИ 2019 ЙИЛДА САЙЁҲЛАР КЕЛИБ КЎРИШИ ШАРТ БЎЛГАН МАСКАНЛАР РЎЙХАТИГА КИРИТДИ



Бундан ташқари, Истанбулдан Самарқандга рейслар очилиши билан Лондондан ушбу кўна шаҳарга ташриф буюриш янада осонлашгани, асосий қади-мий шаҳарларимизга тез-юрар поездлар қатнови йўлга қўйилгани айтиб ўтилган.

М. САИДОВ  
(«Халқ сўзи») тайёрлади.











**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ КҮМИТАЛАРИ ВА ИДОРЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РҲҲАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2018 ЙИЛ 24 НОЯБРДАН 30 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ ХАБАР ҚИЛАДИ.**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 20 сентябрдаги 11-мх, 11/ққ-сон "Умумий ўрта таълим муассасаларининг 10-11-синфлари ўқувчиларига касбий таълим беришга ихтисослашган ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларида жорий, оралиқ, босқичли ва якуний назоратларнинг автотранспорт ва яқини назоратларнинг боғлаш механизмлари ва тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори.

2018 йил 28 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3090. (2018 йил 29 ноябрдан кучга кирди).

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, Давлат божхона кўмитаси, Молия вазири, Давлат хавфсизлик хизматининг 2018 йил 6 ноябрдаги 72, 01-02/12-65, 139, 11-сон "Хорижий давлатларнинг ойналари туси ўзгаририлган (қорайтирилган) энгил автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинча кириши ва транзит ҳаракатланиши учун мажбурий йилмиларни ундириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори.

2018 йил 29 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3091. (2018 йил 29 ноябрдан кучга кирди).

3. Ўзбекистон Республикаси парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2018 йил 26 ноябрдаги 125-н-сон "Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республика-

си фуқаро авиациясининг ҳаво кемалари экипаж аъзоларининг иш вақти ва дам олиш вақтини нормалаштириш" авиация қоидаларининг (ЎЗР АҚ-94) 2-илласига ўзгариш киритиш ҳақида"ги буйруғи.

2018 йил 29 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2141-3. (2018 йил 29 ноябрдан кучга кирди).

4. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 29 ноябрдаги 533-мх-сон "Профессионал медиаторлар реес-

га олиш ягона тизимини юритиш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида"ги буйруғи.

2018 йил 30 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3093. (2018 йил 1 декабрдан кучга кирди).

**II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг "Почта алоқаси операторлари, провайдерлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори (рўйхат рақами 2032, 2009 йил 3 ноябрь), шунингдек унга ўзгариш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 2032-1, 2010 йил 1 декабрь), (рўйхат рақами 2032-2, 2013 йил 12 июль), (рўйхат рақами 2032-3, 2015 йил 20 апрель).

Адлия вазирининг 2018 йил 28 августдаги 428-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Маъмур ҳужжатлар қонунчилиққа ўзгариш киритилиши ва ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

**Хабар**

трини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги буйруғи.

2018 йил 29 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3092. (2018 йил 1 январдан кучга кирди).

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат кўмитаси ҳузуридаги қимматли қозғолар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази бош директорининг 2018 йил 30 октябрдаги 2018-12-сон "Қимматли қозғолар бозорига инвестиция воситасининг фаолияти тўғрисидаги низомга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги буйруғи.

2018 йил 30 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1108-5. (2018 йил 2 мартдан кучга кирди).

6. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурининг 2018 йил 31 октябрдаги 205-сон "Текширувларни электрон рўйхат-

**Соғлиқни сақлаш бошқармалари ва давлат идоралари, ташилотлари ҳамда корхоналари раҳбарлари диққатига!**

**2018/2019 ўқув йилида давлат гранти ва тўлов-контракт асосида**

**Андижон давлат тиббиёт институтида тахсил олган бакалаврият ва магистратура йўналишлари битирувчиларининг вилоятлар кесими бўйича истиқомат қилувчилари ҳақида маълумот**

**I. Магистратура мутахассисликлари бўйича:**

**Андижон вилояти бўйича:**

1. Акушерлик ва гинекология — 1 нафар бюджет, 1 нафар контракт.
2. Жарроҳлик — 2 нафар бюджет,
3. Кардиология — 2 нафар бюджет, 1 нафар контракт.
4. Терапия — 1 нафар бюджет.
5. Юқумли касалликлар — 1 нафар контракт.
6. Болалар жарроҳлиги — 1 нафар контракт.
7. Нейрожарроҳлик — 1 нафар бюджет, 1 нафар контракт.
8. Дерматовенерология — 1 нафар бюджет, 1 нафар контракт.
9. Офтальмология — 1 нафар контракт.
10. Оториноларингология — 1 нафар контракт.
11. Онкология — 1 нафар контракт.
12. Болалар анестезиологияси ва реаниматологияси — 1 нафар бюджет.
13. Соғлиқни сақлашни бошқариш — 1 нафар бюджет.
14. Травматология ва ортопедия — 1 нафар бюджет.
15. Неонатология — 1 нафар бюджет.
16. Ташхиснинг функционал текширув усуллари — 1 нафар контракт.
17. Морфология — 1 нафар бюджет.

**Фарғона вилояти бўйича:**

1. Жарроҳлик — 1 нафар контракт.
2. Болалар жарроҳлиги — 1 нафар бюджет.
3. Болалар неврологияси — 1 нафар бюджет.
4. Болалар кардиологияси ва реаниматологияси — 1 нафар бюджет.
5. Болалар анестезиологияси ва реаниматологияси — 1 нафар контракт.
6. Оториноларингология — 1 нафар бюджет.
7. Офтальмология — 1 нафар бюджет, 1 нафар контракт.
8. Терапия — 1 нафар контракт.
9. Кардиология — 2 нафар контракт.
10. Юқумли касалликлар — 1 нафар бюджет, 1 нафар контракт.
11. Педиатрия — 1 нафар бюджет.
12. Наркология — 1 нафар бюджет.
13. Ташхиснинг функционал текширув усуллари — 1 нафар бюджет.
14. Умумий онкология — 1 нафар бюджет.
15. Урология — 2 нафар контракт.
16. Неврология — 1 нафар бюджет, 1 нафар контракт.
17. Травматология ва ортопедия — 1 нафар бюджет.
18. Неонатология — 1 нафар бюджет, 1 нафар контракт.
19. Соғлиқни сақлашни бошқариш — 1 нафар контракт.
20. Спорт тиббиёти — 1 нафар бюджет.
21. Суд-тиббиёт экспертизаси — 2 нафар бюджет.

Манзил: Андижон шаҳри, Ю. Отабеков кўчаси, 1-уй. Андижон давлат тиббиёт институти. Мурожаат учун телефон: 74-223-94-73. Масъул: А. Зияев.

**Наманган вилояти бўйича:**

1. Урология — 1 нафар бюджет.

**Тошкент вилояти бўйича:**

1. Акушерлик ва гинекология — 1 нафар контракт.

**II. Бакалаврият йўналишлари бўйича:**

**1. Даволаш факультети бўйича:**

- Андижон вилояти — 23 нафар бюджет, 92 нафар контракт.  
 Фарғона вилояти — 25 нафар бюджет, 67 нафар контракт.  
 Наманган вилояти — 13 нафар бюджет, 61 нафар контракт.  
 Тошкент вилояти — 1 нафар бюджет, 2 нафар контракт.  
 Қашқадарё вилояти — 1 нафар бюджет, 3 нафар контракт.  
 Сирдарё вилояти — 1 нафар контракт.  
 Сурхондарё вилояти — 3 нафар контракт.

**2. Педиатрия факультети бўйича:**

- Андижон вилояти — 13 нафар бюджет, 38 нафар контракт.  
 Фарғона вилояти — 20 нафар бюджет, 46 нафар контракт.  
 Наманган вилояти — 10 нафар бюджет, 21 нафар контракт.  
 Тошкент вилояти — 1 нафар контракт.

**3. Олий малакали ҳамширалик иши бўйича:**

- Андижон вилояти — 3 нафар бюджет, 17 нафар контракт.  
 Фарғона вилояти — 1 нафар бюджет, 12 нафар контракт.  
 Наманган вилояти — 9 нафар бюджет, 10 нафар контракт.

**4. Касб таълими йўналиши бўйича:**

- Андижон вилояти — 6 нафар бюджет, 9 нафар контракт.  
 Фарғона вилояти — 2 нафар бюджет, 5 нафар контракт.  
 Наманган вилояти — 1 нафар бюджет, 2 нафар контракт.  
 Тошкент вилояти — 1 нафар бюджет.

**5. Стоматология йўналиши бўйича:**

- Андижон вилояти — 7 нафар бюджет, 31 нафар контракт.  
 Фарғона вилояти — 2 нафар бюджет, 21 нафар контракт.  
 Наманган вилояти — 1 нафар бюджет, 10 нафар контракт.  
 Тошкент вилояти — 3 нафар контракт.  
 Қашқадарё вилояти — 3 нафар контракт.  
 Сирдарё вилояти — 1 нафар контракт.  
 Бухоро вилояти — 1 нафар контракт.

**«Мовароуннахр» нашриёти Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг нашрлари — «Хидоят» ва «Мўминалар» журналлари ҳамда «Ислом нури» газетасини**

2019 йилда жаҳон стандартларига мувофиқ, замонавий усулда арзон ва сифатли чоп этиш имкониятига эга бўлган босмахоналарни ҳамкорлик қилишга таклиф этади.

Тендер 2019 йил 10 январь куни соат 10.00 да «Мовароуннахр» нашриётида ўтказилади.

**Талаблар:**

**1. «Хидоят» журнали:**  
 бичими — 60x84<sup>1/8</sup>;  
 муқоваси — мел. (150 гр.), 4+4;  
 ҳажми — 32 бет;  
 матн — офсет қоғози (70 гр.), 4+4;  
 адади — 100 000 (юз минг) дона;  
 чоп этиш муддати — 5 (беш) кун.  
**Эслатма:** журнал ҳар ойда 100 000 (юз минг), бир йилда жами 1 200 000 (бир миллион икки юз минг) нусхада чоп этилади.

**2. «Мўминалар» журнали:**  
 бичими — 60x84<sup>1/8</sup>;  
 муқоваси — мел. (130 — 150 гр.), 4+4;  
 ҳажми — 32 бет;  
 матн — офсет қоғози (70 гр.), 4+4;

адади — 50 000 (элик минг) дона;  
 чоп этиш муддати — 5 (беш) кун.  
**Эслатма:** журнал ҳар чоракда 50 000 (элик минг), бир йилда жами 200 000 (икки юз минг) нусхада чоп этилади.

**3. «Ислом нури» газетаси:**  
 бичими — 60x84<sup>1/8</sup>;  
 ҳажми — 16 бет;  
 матн — 4+4, офсет қоғози (65 — 70 гр.);  
 адади — 40 000 (қирқ минг) дона;  
 чоп этиш муддати — 3 (уч) кун.  
**Эслатма:** газета ҳар ойда 2 марта 40 000 (қирқ минг), бир йилда жами 960 000 (тўққиз юз олти миш минг) нусхада чоп этилади.

Мурожаат учун телефонлар: 71-227-34-30, 71-240-08-23.

**«Мовароуннахр» нашриёти Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг нашрлари — «Хидоят» ва «Мўминалар» журналлари ҳамда «Ислом нури» газетасини**

2019 йилда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг шаҳар ҳамда туман марказий масжидларига, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар марказига арзон ҳамда тез етказиб бериш имкониятига эга бўлган матбуот тарқатувчи юридик шахсларни ҳамкорлик қилишга таклиф этади.

Тендер 2019 йил 10 январь куни соат 14.00 да «Мовароуннахр» нашриётида ўтказилади.

**Талаблар:**

**«Хидоят» журнали** ҳар ойда 100 000 (юз минг) дона, **«Мўминалар» журнали** ҳар чоракда 50 000 (элик минг), **«Ислом нури» газетаси** ҳар ойда 2 марта 40 000 (қирқ минг) донани белгиланган манзилларга 48 (қирқ саккиз) соат ичида етказиб бериш.

Мурожаат учун телефонлар: 71-227-34-30, 71-240-08-23.

**Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети куйидаги лавозимларга танлов эълон қилади:**

1. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети академик лицей директори.
2. Инглиз тили кафедраси: катта ўқитувчи (4), ўқитувчи (3).
3. Шарқ тиллари кафедраси: катта ўқитувчи (хитой), ўқитувчи (араб, корейс).
4. Роман-герман тиллари кафедраси: ўқитувчи (немис тили).
5. Ўзбек ва рус тиллари кафедраси: катта ўқитувчи, ўқитувчи.

Ҳужжатлар (ариза, фотосуратли шахсий варақа, таржимаи ҳол, олий маълумот, илмий даража ва унвонлар ҳақидаги дипломларнинг нусхалари, илмий ишлар рўйхати) ушбу эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой муддат ичида Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳқўчаси, 54-уй (e-mail: kadrlar bulimi@uwed.uz) манзилида қабул қилинади. Телефон: 71-267-65-40.

**ПРОФНАСТИЛ**

Ишлаб чиқарувчи куйидаги маҳсулотларни тақдим этади:

**Гальванизацияланган ва полимер қопламали ПРОФИЛАНГАН ЛИСТ**


гофраси баландлиги: С-17, С-18, Н-35, Н-57.

Профнастил учун материал сифатида ролондан кесилган гальванизацияланган ва полимер маҳсулотдан фойдаланилади. Россия Федерацияси металлургия комбинатларида ишлаб чиқарилган.

- ГАЛЬВАНИЗАЦИЯЛАНГАН ПРОФНАСТИЛ**
- 0,4 мм. — 42 000 сўм/п.м.
  - 0,5 мм. — 50 000 сўм/п.м.
  - 0,45 мм. — 45 500 сўм/п.м.
  - 0,7 мм. — 70 500 сўм/п.м.

- ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛИ ПРОФНАСТИЛ**
- RAL 3005,6005,8017 0,45 мм. — 55 000 сўм/п.м.
  - RAL 3005,6005,8017 0,5 мм. — 60 000 сўм/п.м.

Тел.: 95-475-00-65, 95-197-00-93, 99-871-88-99.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжмаси аппарати жамоаси Андижон вилояти ҳокимининг ўринбосари  
**Саломбек Пўлатович ҲАБИБУЛЛАЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси жамоаси жамғарманинг бўлим бошлиғи Илҳом Расулова онаси  
**Жўраҳон ая РАСУЛОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 156. 60 129 нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Гезетанинг ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
 Девонхона 71-233-52-55;  
 Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Таҳририятга келган кўлемлар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
 Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.  
 Газета таҳририят компьютер марказида термид ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.  
 Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
 100000,  
 Тошкент шаҳри,  
 Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
 Навбатчи муҳаррир — Ю. Бўронов.  
 Навбатчи — Ш. Гафоров.  
 Мухасҳих — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 23.40 1 2 3 4 5 6

**Халқ сўзи Народное слово**

**МУАССИСЛАР:**  
 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжмаси